

А Ж Р И М

/ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиши тўғрисида/

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, 2021 йил 28 апрель куни, Бухоро шаҳар Гулчорбоғ МФЙ биносида, сайёр суд мажлисида, **Раислик қилувчи З.У.Музафаров**, судья ёрдамчиси Б.Носировнинг котиблигида, тарафлардан, Давлат айбловчиси – Бухоро шаҳар прокурори ёрдамчиси С.Ёрмухамедов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Икромов, жабрланувчи [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] оид [REDACTED]-сонли жиноят ишени кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] октябрь куни Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, [REDACTED]

яшайди, унга нисбатан 2021 йил 09 март куни гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2021 йил 31 март куни олган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 105-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини кўриб чиқиб қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] МФЙ Жувозқоғоз кўчасидан ўтган йўл ёқасида [REDACTED] билан ораларида аввалдан мавжуд бўлган келишмовчилик замирида ўзаро жанжаллашиб қолиб, унинг жағ ва юз соҳаларига қўли билан қасддан уриши натижасида, [REDACTED] Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Бухоро филиалининг 2021 йил 13 февраль кунидаги 194Т-сонли хулосасига кўра умумий меҳнат қобилиятининг учдан биридан камроғини (10 фоиз) турғун йўқолишига сабабчи бўлган қасддан ўртача оғир тан жароҳати етказган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2021 йил 11 февраль куни соат 18:00 ларда Бухоро шаҳар Гулчорбоғ МФЙ Жувозқоғоз кўчасидан ўтган йўл ёқасида [REDACTED] билан ораларида аввалдан мавжуд бўлган келишмовчилик замирида ўзаро жанжаллашиб



қолганлигини, [REDACTED] жағ ва юз соҳаларига қўли билан урганлигини, тан жароҳати етказганлигини, айбига ўз ихтиёри билан тўлик иқрор эканлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир қилган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи [REDACTED] етказилган зарарни тўлик қоплаганлигини, у билан ихтиёрий равишда ярашганлигини, унга ярашув оқибатлари тушунтирилганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, унга тааллуқли бўлган жиноят ишини жабрланувчи М.Насридинов билан ярашганлиги учун ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2021 йил 11 февраль куни соат 18:00ларда Бухоро шаҳар Гулчорбоғ МФЙ Жувозқоғоз кўчасидан ўтган йўл ёқасида [REDACTED] билан ораларида аввалдан мавжуд бўлган келишмовчилик замирида ўзаро жанжаллашиб қолганликларини, [REDACTED] унинг жағ ва юз соҳаларига қўли билан урганлигини, унга тан жароҳати етказганлигини. [REDACTED] ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарарлар тўлик қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирор бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар тушунтирилганлигини, [REDACTED] ундан кечирим сўраганлигини ва у [REDACTED] ярашганлиги учун [REDACTED] а нисбатан жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи ва судланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши билан бирга ўрганиб, тарафлар фикрини эшитиб, судланувчи [REDACTED] айбига ихтиёрий иқрорлигини ва етказилган зарарнинг бартараф этилганлигини, жабрланувчи ва судланувчига бирор бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув жабрланувчи ва судланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлигини, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, ишни ярашуви асосида тугатишни ва Ш.Бафаевни жиноий жавобгарликдан озод қилишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотишини тушунтиришни лозим топади.



